

Начиная с 2020 года, были разработаны, утверждены и внедрены новые ведомственные нормативно-правовые документы, регламентирующие порядок осуществления безналичных расчетов в Республике Узбекистан и правила обращения электронных денег (таблица 2).

С внедрением электронных денег клиенты получили возможность осуществлять платежи быстрым и удобным способом на основе современных технологических решений в области проведения платежей.

Выводы. Формирование правовой базы в области электронных денег послужило толчком для появления на рынке платежных услуг игроков, предлагающих новые инновационные услуги, основанные на цифровых технологиях. К примеру, проекты в области электронных денег платежных организаций, которые осуществляют эффективную деятельность на рынке платежных услуг в нашей

стране, а также этих организаций Центральный банк в установленном порядке включил в Реестр систем электронных денег. Кроме того, привлекательность и популярность использования электронных денег повышает низкая стоимость их выпуска, а также возможность совершать покупки непосредственно на международных интернет-рынках с помощью электронных денег.

В частности, в 2020 году электронными деньгами осуществлено около 1,5 млн. транзакций на сумму 22,3 млрд. сум, из которых 84% или 18,8 млрд. сум, переведено за покупки, оставшиеся 16% или 3,5 млрд. сумов приходится на долю транзакции между электронными кошельками физических лиц (P2P). Кроме того, в 2020 году было открыто 1 521 тыс. электронных кошельков, остаток денежных средств на этих кошельках достиг около 7 млрд. сумов по состоянию на 1 января 2021 года [10].

Список источников и литературы:

1. Kokkola T. *The Payment System // Payments, Securities and Derivatives, and the Role of the Eurosystem*. ECB, 2010.
2. *Payment System Technologies and Functions: Innovations and Developments* Masashi Nakajima Reitaku University, Japan / 2011.
3. *Payment Systems in the Financial Markets Real-Time Gross Settlement Systems and the Provisions of Intraday Liquidity* Marco Rossi International Monetary Fund / 1998
4. *U.S. Payment System Policy Issues: Faster Payments and Innovation / Congressional Research Service* [https://crsreports.congress.gov/R45927/September 23, 2019](https://crsreports.congress.gov/R45927/September%2023,%202019)
5. *Digitization of the payment Value-Added Services in the Netherlands / MSc. Thesis Razvan Halbac / October 2015* Management of Technology TU Delft - Delft University of Technology
6. *9 eWallet trends you should watch in 2022 / Tremend 2022*
7. *Правила платежной системы Америкэн Экспресс / ООО «Америкэн Экспресс Банк» «11» сентября 2014 г.*
8. *Tanai Khaonarong, Jonathan Liebenau Banking on Innovation Modernisation of Payment Systems Physica-Verlag A Springer Company / 2009*
9. *Тамаров П. А. Наблюдение как задача центрального банка по совершенствованию и развитию платежных систем // Деньги и кредит. – 2011. – № 2. – С. 17.*
10. *Годовой отчет Центрального банка Республики Узбекистан за 2020 год.*
11. *РБК Тренды [Электронный ресурс]. URL: <https://trends.rbc.ru/trends/industry/6148a1459a79479f4328c2f8>*
12. *Скиннер, Крис. Цифровой банк: как создать цифровой банк или статью им / Крис Скиннер; пер. с англ. Сергея Смирнова. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2015. – 320 с.*



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA RAQAMLI BOJXONA
XIZMATLARINI RIVOJLANTIIRISH ISTIQBOLLARI**

**Эргашев Қобилжон Эрназарович -
Давлат божхона қўмитасининг**

**Божхона институти
Божхона назорати кафедраси ўқитувчиси**

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a6

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли божхона хизматларини Жаҳон божхона ташкилоти миқёсида ривожлантириши бўйича олиб борилаётган ислохотлар, рақамли божхона тушунчасининг моҳияти ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожлантириши бўйича олиб борилиши керак бўлган устувор йўналишлар баён этилган. Бундан ташқари илмий асосланган таклиф ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли божхона, рақамли божхона хизматлари концепцияси, рақамли божхона хизматлари тузилмаси, рақамли стратегия, АКТ инфратузилмаси, маълумотлар хавфсизлиги, когнитив технологиялар, табиий тилни қайта ишлаш.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ ТАМОЖЕННЫХ УСЛУГ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Эргашев Қобилжон Эрназарович -
Преподаватель кафедры таможенного
контроля Таможенного института ГТК

Аннотация. В данной статье разъясняются проводимые реформы по развитию цифровых таможенных услуг на уровне Всемирной таможенной организации, сущность понятия цифровой таможни. Также описаны приоритеты развития цифровых таможенных услуг в Узбекистане. Кроме того, представлены научно обоснованные предложения и выводы.

Ключевые слова: цифровая таможня, концепция цифровых таможенных служб, структура цифровых таможенных служб, цифровая стратегия, ИКТ-инфраструктура, безопасность данных, когнитивные технологии, обработка естественного языка.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF DIGITAL CUSTOMS
SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ergashev Qobiljon Ernazarovich -
Teacher of the Department of
Customs Control of the Customs Institute
of the State Customs Committee

Abstract. This article explains the ongoing reforms to develop digital customs services at the level of the World Customs Organization, the essence of the concept of digital customs. Also, the priorities for the development of digital customs services in Uzbekistan are described. In addition, scientifically based suggestions and conclusions are presented.

Keywords: digital customs, concept of digital customs services, structure of digital customs services, digital strategy, ICT infrastructure, data security, cognitive technologies, natural language processing.

Кириш. Жаҳон божхона ташкилоти томонидан 2016 йил “Рақамли божхона” йили деб эълон қилинганлиги божхона органлари божхона тўловларини йиғиш ва кафолатлаш, товарлар, кишилар, транспорт ва пул ҳаракатини назорат қилиш ҳамда трансчегаравий савдо хавфсизлигини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини тақозо этаётганлигининг яна бир бор исботидир.

Шу билан бирга, Евросиё Иқтисодий Комиссиясининг божхона мутахассислари 2018 йил охирида “Рақамли божхона” мавзусидаги йиғилишида илмий тадқиқотлар олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда мақоланинг долзарблиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлишини таъкидлаш лозим:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони ва у билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқ-

ланди [1];

иккинчидан, 2020 йил 5 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли фармонига асосан “2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш” концепцияси қабул қилинди [2];

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сонли фармонида 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш бўйича вазифалар белгиланди [3].

Адабиётлар таҳлили. Илмий давраларда керакли тушунтиришлар йўқлиги сабабли “рақамли божхона хизматлари” тушунчасига таъриф нима учун фақат АКТга боғланиб қолганлиги ноаниқлигича қолмоқда.

Хусусан, Т.Серихнинг фикрича, рақамлаштириш илғор технологиялардан фойдаланишдир [4].

П.Боровков “рақамли божхона хизматлари”нинг мазмунини таҳлил қилишда учта асосий атамани ажратиб кўрсатади: автоматлаштириш, рақамлаштириш, бизнеснинг рақамли трансформацияси [5].

А.Тарасовнинг илмий изланишлари натижасига кўра, божхона хизматларининг рақамли трансформацияси, энг аввало, янги бизнес жараёнлари, ташкилий тузилмалар учун янги қоидалар, масъулият, намуналар демакдир [6].

Н.Н.Загускин рақамли божхона хизматларининг “етуклик модели”ни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни олиб борган [7].

Н.Г.Милославская ва Р.А.Сагиров белгиланган шкала бўйича ушбу кўрсаткичларни баҳолаш етуклик даражасини тавсифловчи жараёнларнинг ҳолатини кўрсатишини исботлади [8].

А.С.Рассика, Қ.Г.Кешика[9] томонидан рақамли божхона соҳасида юзага келаётган муаммоларни таҳлили олиб борилган.

Майк Бедняка[10] блокчейн технологияларни божхона ахборот тизимларида қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Микайл Гканквист[11] электрон божхонанинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб чиқилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида “рақамли божхона хизмати” тушунчасининг терминологик таҳлили олиб борилди, рақамли божхона хизматларига таъсир қилувчи сабабларнинг омили таҳлил қилинди, қиёсий таҳлил, таснифлаш ва моделлаштириш каби усуллардан ҳамда тизимли, сценарийли ва индикатив ёндашувлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Рақамли божхона” бўйича мустақил тушунча шаклланишида Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) фаолияти катта аҳамиятга эга.

Жумладан, “рақамли божхона” хизматларининг муҳим жиҳатларини ЖБТ Доимий техник қўмитаси (ДТҚ) 2015 йил 3 августда қабул қилган ҳужжатда таснифланган. Унга кўра, қуйидаги таркибий тизимлар билан ифодаланади:

1) жорий операция (иш) муҳит;

2) инструментлар, воситалар, қўлланмалар ва ЖБТ тизимлари;

3) ахборот божхона технологияларини ЖБТ *Стратегик режаси* доирасида жойлаштириш;

4) рақамли божхона хизматлари концепцияси, тузилмаси;

5) рақамли божхона хизматларининг кўриниши, имкониятлари ва унга таъсир қилувчи таҳдидлари;

6) таҳлил қилинадиган соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар [9].

Тадқиқотимиз давомида шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, **“рақамли божхона”** атамаси божхона фаолияти самарадорлиги ва мувофиқлаштиришга ҳисса қўшадиган ҳар қандай автоматлаштирилган ёки электрон фаолият турини англатади, масалан: божхона расмийлаштирувининг автоматлаштирилган тизимлари, “ягона дарча” концепцияси, электрон ахборот алмашинуви, ахборотни узатиш ва шаффофликни таъминлаш учун веб-сайтлар, шунингдек, смартфонлардан фойдаланиш [10].

Тадқиқотимиз натижасида Ўзбекистон Республикасида рақамли божхона хизматлари ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва устувор йўналишларни уч гуруҳга (стратегик, сиёсий/ҳуқуқий, оператив) ажратдик.

Илмий иш доирасида ДБҚ АКТни самарали бошқариш ва технология интеграцияси учун зарур бўлган ташкилий имкониятлар рўйхатини аниқладик:

1) божхона соҳасида бизнес жараёнларини режалаштириш, оптималлаштириш ва моделлаштириш;

2) божхона маъмуриятининг белгиланган талаблари ва халқаро стандартлар асосида фойдаланувчи тизимининг батафсил спецификацияларини тайёрлаш;

3) АКТни ривожлантириш ва янги технологияларни интеграциялаш учун харажатларни баҳолаш ва келгусида операция харажатларга таъсирини баҳолаш;

4) харидлар ва ривожланиш қарорларини қўллаб-қувватлаш;

5) АКТ хизматлари сифатини баҳолаш ва тегишли шартномаларни бошқариш;

6) АКТ инфратузилмалари ва янгиланишларини кўрсатиш ва бошқариш;

7) АКТ ечимлари ва янги технологияларни татбиқ этишда хавфларни аниқлаш ва камайтириш ҳамда бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш;

8) маълумотларни стандартлаштириш ва уйғунлаштириш, маълумотлар интеграцияси ва мувофиқлиги соҳасидаги сиёсатни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

9) АКТ ечимлари ва янги технологиялар бўйича қўшимча ҳужжатларни тайёрлаш;

10) ўзгаришларни бошқариш жараёнларини қўллаб-қувватлаш;

11) маълумотлар хавфсизлиги бўйича сиёсат ва ечимларни белгилаш ва амалга ошириш;

12) АКТ ташкилий ишланмаларини кенгроқ миллий электрон ҳукумат ташаббуслари билан мувофиқлаштириш;

13) янги технологиялар билан танишиш.

ЖБТ маълумотларига кўра, АКТни ривожлантириш ташаббуслари ва технология интеграцияси муваффақияти бошқа кўплаб ташкилий имкониятларга боғлиқ, жумладан:

- яхши стратегик режалаштириш ва устуворликларни аниқлаш учун ҳаракатлар кетма-кетлиги;

- лойиҳаларни бошқариш, ўзгаришларни бошқариш;

- манфаатдор томонларнинг самарали иштироки ва маслаҳатлашуви;

- етарли бюджет ва молиявий бошқарув, айниқса, кўп йиллик ривожланиш дастурлари.

Ўзбекистон Республикасида рақамли божхонан хизматларини қўллаб-қувватловчи омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Рақамли стратегия. Ҳукумат, божхона органлари АКТни ташкилот мақсадларига эришиш учун ёрдам берувчи сифатида татбиқ этиш, мустақкамлаш бўйича кучли сиёсий ирода ва ижроия мажбуриятлари билан аниқ стратегик ёндашувга эга бўлиши керак. Рақамли стратегиядан келиб чиқиб амалга ошириш, АКТни аниқ муддат ва асосий самарадорлик кўрсаткичлари билан бирлаштириш учун операцион режа ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари ЖБТнинг раҳбарлар учун АТ бўйича қўлланма божхонада АКТдан фойдаланиш бўйича стратегик бошқарув жараёни ҳақида маълумот ва тушунчаларни тақдим этади [11].

Ҳуқуқий асос. Электрон транзакциялар, электрон имзолар, электрон тўловлар, электрон чеклар, электрон маълумотлар алмашинуви каби АКТ бўйича қайта ишлаш ва тегишли ваколатхоналар ҳамда хизматлар учун ишончли ҳуқуқий асос бўлиши керак. Бу омил, шунингдек, махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш қоидаларини ўз ичига олиши керак. Қайта кўриб чиқилган Киото конвенцияси (Умумий илованинг 7-боби ва унинг йўриқномаси) бундай ҳуқуқий механизмларни яратиб учун яхши қўлланма беради.

Бошқарув тузилиши. АКТ тизимларини жорий қилиш, қўллаб-қувватлаш ва доимий

равишда такомиллаштириш учун аниқ ваколат ва адекват (етарли) ресурсларга эга бўлган яхши бошқарув тузилмаси бўлиши керак.

АКТ инфратузилмаси. Ишончли АКТ инфратузилмаси нафақат божхонада АКТ ечимларини жорий этиш, балки барча манфаатдор томонлар ва фойдаланувчилар АКТдан фойдаланган ҳолда жараёнлар ва хизматлардан фойдаланишлари ҳамда улардан фойдаланишлари учун зарур шартдир.

Инсон ресурслари имкониятлари ва кўникмалари. Малакали инсон ресурслари АКТни жорий этишнинг барқарорлиги ва миқёси учун муҳим аҳамиятга эга, бу эса бизнес ташкилотининг умумий салоҳиятини оширади.

Маълумотлар хавфсизлиги. Ҳукуматлар, божхона органлари ахборот, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари, ахборот хавфсизлигини бошқариш бўйича белгиланган халқаро стандартларга, хусусан, Киото конвенциясига “Ахборот божхона технологиялари бўйича қўлланма”га асосланган АКТ тизимларининг мураккаблик даражасига мос келишини таъминлаши керак.

Бизнеснинг узлуксизлиги режаси. Ҳукуматлар, божхона идоралари қутилаётган носозлик ёки носозлик туфайли ҳаётининг муҳим АКТ тизими ёки объектининг қутилмаганда этишмаслиги ҳолатларида фаолиятни давом эттиришни таъминлаш учун мустақкам Бизнес узлуксизлиги режасини ишлаб чиқиши ва такомиллаштириши керак. Ушбу режа бизнес-жараён ва инфратузилманинг ҳар бир асосий компоненти бўйича фавақулдда вазиятлар режалари тўпламидан иборат бўлиши керак. Божхона ахборот технологиялари бўйича йўриқномада баён этилган асосий тамойилларга асосланиб, зарур ресурслар, ходимларнинг роли, уни амалга ошириш учун зарур бўлган тартиб ва муддатлар тавсифланади [12].

Когнитив технологиялар инсон миясининг ишига тақлид қилувчи дастурий ва техник воситалардир. “Когнитив тизимлар сунъий нейрон тармоқлар орқали ўргатилади. Бу мураккаб математик моделлар бўлиб, улар (ҳозирча фақат умумий маънода) табиий асаб тизимининг ишлаш ва уяли ташкил этиш тамойилларига тақлид қилади. Шундай қилиб, сунъий нейрон тармоқлари нейронларнинг ўхшашликларидан иборат – математик функциялар билан ифодаланган мия нерв хужайралари. Ушбу функцияларнинг ўзаро таъсири компьютер тизимларига тасвирлар, нутқ ва бошқа маълумотларни кўп қиррали таҳлил

қилиш, уларнинг ёрдами билан ўрганиш, фаразлар яратиш ва қарорлар қабул қилиш имкони беради, худди органик нейронлар ўртасидаги сигнал алмашинуви одамларга худди шундай жараёнларни амалга оширишга имкон беради” [13].

Когнитив технологияларнинг имкониятлари ва қўлланилиши:

- фойдаланувчининг ўзаро алоқаси;
- аналитик салоҳият;
- қарор қабул қилиш.

Табиий тилни қайта ишлаш – сунъий интеллект ва математик тилшуносликнинг умумий йўналиши. Табиий тилларни компьютерда таҳлил қилиш ва синтез қилиш муаммоларини ўрганади. Сунъий интеллект учун таҳлил тилни тушуниш, синтез эса саводли матн яратиш демакдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш компьютер ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада қулай шаклини яратишни англатади.

Хулоса ва таклифлар. Божхона хизматларини рақамлаштириш деганда, илғор таҳлилий, сунъий интеллект, мобил ва тақиладиган қурилмалар, роботлаштириш ва интеграция технологик платформаларидан фойдаланиш асосида божхона органи мансабдор шахсини алмаштириш ёки тўлдириш йўли билан операцион жараёнлар ва бизнес моделларини ўзгартирувчи илғор технологиялардан фойдаланиш тушунилиши керак [14].

Божхона хизматини рақамлаштириш божхона иши соҳасида янги илғор ечимларни излаш, синовдан ўтказиш ва жорий этиш орқали божхона бошқарувини узлуксиз такомиллаштириш ва ўзгартириш жараёнини ўз ичига олади.

Рақамли божхонани яратиш Божхона хизматини ривожлантириш стратегиясини ташкилий ва оператив жиҳатдан қайта кўриб чиқишни назарда тутлади.

Юқоридаги тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги таклифларни тақдим этамиз:

➤ ЖБТ тажрибасини ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожлантириш борасида стандартларни ишлаб чиқиш зарур. Буни амалга ошириш учун қуйидаги асосий фаоллаштирувчиларни ишлаб чиқишимиз керак:

- ✓ рақамли стратегия;
- ✓ ҳуқуқий база;
- ✓ бошқарув тузилмаси;
- ✓ АКТ инфратузилмаси;
- ДБҚ кооператив кординатор сифатида қуйидаги “асосий эътибор марказлари”ни ривожлантириш зарур:
 - ✓ қоғозсиз муҳитда рақамли қабул қилишни амалга ошириш;
 - ✓ хавфни бошқаришнинг қамровини кенгайтириш;
 - ✓ ўзаро ҳамкорликда рақамли иштирок этиш;
 - ✓ ахборот хавфсизлигида рақамли ишонч;
 - ✓ коммуникация ва ахборотдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;
 - ✓ АКТга асосланган инновациялар;
 - ДБҚ салоҳиятни ошириш бўйича қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш керак:
 - ✓ ТФА стандартларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
 - ✓ “Ягона дарчани”ни ривожлантириш;
 - ✓ ДБҚ маълумотлар модели воситаларини жорий қилиш;
 - ✓ “Big data”ни таҳлил қилиш;
 - ✓ ахборот алмашинувини рағбатлантириш;
 - ✓ самарадорликни баҳолаш;
 - ✓ барқарор ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлаш;
 - ✓ салоҳиятни ривожлантириш;
 - ✓ Е-тижорат муаммоларини ҳал қилиш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони. // <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли фармони. // <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сонли фармони. // <http://www.lex.uz>.
4. Tatyana Serykh. Accenture. Digitization. III Conference “Technologies in the field of oil exploration and production”, 2017. Slide 11. URL: http://techneft.ru/images/doc/sekci/06_informatizaciya/8_accenture.pdf (date of the request: 19.03.2018).

5. Pavel Borovkov. What is digitalization? December 21, 2018. URL: <http://platform.online/poleznoe/articles/chto-takoe-czifrovizacziya/> (date of the request: 19.03.2018).
6. Alexander Tarasov. What is digitalization? December 21, 2018. URL: <http://platform.online/poleznoe/articles/chto-takoe-czifrovizacziya/> (date of the request: 19.03.2018).
7. Zaguskin N.N. Comparative characteristics of the maturity models of managing processes, projects, knowledge of the organization by the stages of their transformational development. // *Advances in modern natural science*. 2014. № 1. P. 78. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=21052030> (date of the request: 08.04.2019).
8. Miloslavskaya N.G. and Sagirov R.A. Overview of maturity models of information security management processes. // *Information technology security*. 2015. № 2. Vol. 2. P. 77. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=25284623> (date of the request: 09.04.2019).
9. Блокчейн: отображение новых торговых маршрутов, которым можно доверять. <https://mag.wcoomd.org/magazine/wco-news-87/blockchain-mapping-new-trade-routes-to-trust/>
10. Letter of the Secretary General Mr. Kunio Mikuriya. № 15. SLO314E. Brussels, 12 November 2015.
11. Item 9a. Digital Customs: Bridging Digital Divide. (Item XII.b on the Agenda). 2nd Meeting of the WCO Working Group on E-Commerce (10 – 13 October 2017). Doc. EM0019E1a. Brussels, 12 September 2017. P. 2.
12. Item 9g. Digital Customs: Bridging Digital Divide. (Item XII.b on the Agenda). 2nd Meeting of the WCO Working Group on E-Commerce (10 – 13 October 2017). Doc. EM0019E1a. Brussels, 12 September 2017. P. 3.
13. Volotsky M. How cognitive computers can change our future. / «Gagadget.com» Scientific site about technology. October 28, 2015. URL: <https://gagadget.com/how-it-works/18016-kakkognitivnyie-kompyuteryi-mogut-izmenit-nashe-buduschee/> (date of the request: 13.04.2019).
14. Муаллифлик таърифи.
15. Kalonov Mukhiddin Bahritdinovich Analysis of modern methods of control costs // *World science*. 2016. №9 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analysis-of-modern-methods-of-control-costs> (дата обращения: 09.08.2022).
16. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишни такомиллаштириш // *Экономика и образование*. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
17. Холбеков Р.О., Калонов М. Б. Совершенствование учета затрат на автотранспортных предприятиях Республики Узбекистан // *Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения*. – 2018. – С. 179-188.
18. Калонов М.Б. К вопросу о методическом подходе к управлению затратами в транспортных организациях. анализ структуры затрат при производстве автотранспортных услуг // *Экономика и управление: проблемы, решения*. – 2016. – Т. 1. – №. 7. – С. 73-79.